БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 62 (2610). | Шанба, 28 март 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

МАШЪАЛ ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ҲАМ ЧИГИТ ЭКИШНИ БОШЛАДИЛАР



Машъал Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг азамат пахтакорлари ўтган йили «оқ олтин»дан баракали хирмон кўтариб, бир неча йиллик қолоқликни бартараф этиб, ҳаммани қойил қолдирган эдилар. Улар етти йилликнинг олтинчи йилини ҳам улкан зафарлар билан якунлаш, республикамиз ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйини катта тўёналар билан кутиб олиш учун кун сайин ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Бошқармадаги колхоз-совхозларда ўтган йили пахта йиғимтерими тугаши биланоқ, бу йилги чигит экиш мавсумига қизғин тараддуд кўрилабошлаган эди. Тайёргарлик пухта бўлгани учун ҳаво жўнашиб, ер етилиши ҳамоно чигит экишни бошлаб юборишга тўла имконият туғилди. Мана, уч кундирки, бошқармадаги пешқадам хўжаликларда ер бағрига барака уруғи экилаяпти.

Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Акифа Жайловова бошлиқ бригадаси аъзолари экиш мавсумини бошқармадагина эмас, балки областда энг биринчилар қаторида бошлаб юборишди. Колхозда бугунгача қариб 40 гектар ерга сифатли қилиб чигит экилди.

Шунингдек, Оққўрғондаги «Ленинобод», «Узбекистон», «Партия XXII съезди», «Коммунизм», Ҳамид Олимжон номли, Карл Маркс номли, «Ленинизм», «Москва», Калинин номли колхозларда ва 1-«Оққўрғон» совхозида чигит экиш ишлари кун сайин қизғин тус олдирилаяпти.

Ўнгдаги суратда: бошқармадаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ М. Адашимов бошлиқ комплекс механизациялашган звеносининг экиш экипажи аъзоларидан З. Эшев (чапда) ва А. Ҳайдаров ўртоқлар сеялкага чигит тўлдиришаяпти. Чапдаги суратда эса Ҳамид Олимжон номли колхознинг ўртоқ А. Қолбоев бошлиқ бригадаси даласида чигит экиш пайтини кўриб турибсиз. Экиш агрегатини ўртоқ Э. Абдураҳмонов бошқармоқда.

У. Андаев фотолари.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ПАХТАЧИЛИКДАГИ ИЛҒОР ИШ ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ОММАЛАШТИРАЙЛИК

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетида

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг бюроси Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги тажрибасини муҳокама қилди. Бу колхоз комплекс механизацияни кенг жорий қилиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни қўлланиш натижасида пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириб, ҳосилдорликни тобора ошириб бормоқда.

Ғўза қисқа муддатларда, юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги, ҳар бир иш ўз вақтида бажарилаётганлиги туфайли бу колхоз экинни тез ҳосилга киритмоқда, унинг пишиб етилиш муддатларини қисқартирмоқда ва бунинг натижасида йиллик пахта тайёрлаш планини 35—40 кун ичида бажармоқда.

Колхоз раиси ўртоқ М. Рўзиметов «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 25 март сонида босилган «Муттасил мўл ҳосил етиштирамиз» сарлавҳали мақоласида бу ҳақда муфассал ҳикоя қилиб берган.

Область партия комитетининг бюроси ишлаб чиқариш бошқармаларига ва уларнинг партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, бошланғич партия ташкилотларига ўртоқ М. Рўзиметовнинг «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Муттасил мўл ҳосил етиштирамиз» сарлавҳали мақоласини колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислар ва барча қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасида кенг пропаганда қилиш, бу колхознинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва жойларда ишни шу асосда ташкил этиш вазифасини топширди. Шу билан бирга область партия комитетининг бюроси ишлаб чиқариш бошқармалари газеталарининг редакторларига ўртоқ Рўзиметовнинг мақоласини кўчириб босиш ҳақида кўргазма берди.

ГЎШТ, СУТ, ТУХУМ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнатсевар чорвадорлари республикамиз ва Узкомпартиянинг 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига кўшилиб давлатга гўшт, сут, тухум тайёрлаш квартал планини муддатидан илгари — 25 мартда муваффақиятли адо этишди. Гўшт тайёрлаш плани 119,9, сут тайёрлаш плани 101,3 ва тухум тайёрлаш плани 100,9 процент қилиб бажарилди.

Бошқармадаги Киров номли, Димитров номли, Ленин номли колхоз чорвадорлари эса гўшт топшириш ярим йиллик планини ҳам адо этиб қўйишди. Свердлов номли, «Ленинград» колхоз аъзолари давлатга иккинчи квартал ҳисобига гўшт сотишмоқда. Улар сут тайёрлаш планини 118—125,9 процент қилиб бажаришди.

Бошқармада давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш қизғин давом этмоқда. Оққўрғонликлар йиллик гўшт топшириш планини 7 ноябрь, сут топшириш планини 1 декабрь, тухум топшириш планини 1 майгача тугаллаш мажбуриятини олишди.

МЕХАНИЗАЦИЯНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИБ, КИШИ БОШИГА 750 ЦЕНТНЕРДАН КАРТОШКА ЕТИШТИРАМИЗ

Ҳозир даламизда иш қизғин. Бригадамиз аъзолари бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорлари бизларни янги ютуқларга руҳлантирди. Биз партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, экинлардан мўл ҳосил етиштириш чораларини кўрмоқдамиз. Ихтисослашириш, илғор технологияни жорий қилиш — маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий резервидир. Бу ҳақда ўртоқ Н. С. Хрушчев 28 февралда Москвада партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг кенгашида қилган докладида жуда қимматли маслаҳатлар берди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ихтисослаштириш сабзавот, картошка етиштиришни кўпайтиришда ҳам жуда қўл келишини мисоллар билан кўрсатиб берди. У, картошка етиштиришнинг резервлари тўғрисида тўхталиб, бу соҳада ҳам механизациялаштириш, меҳнат сарфларини камайтириш учун имкониятлар лавлагикорлик ва пахтачиликдаги имкониятлардан кам эмас, деб айтди. Бунга Москва областининг Солнечногорск районидаги машина синаш станциясининг далаларида ишлаётган ўртоқ В. И. Кузнецов бошлиқ звено ишини мисол қилиб келтирди.

Бу звено кўп ва арзон картошка етиштирган. Бунинг «сири» шундаки, звенода асосий ишларнинг ҳаммаси қўл меҳнати сарфланмасдан бажарилади.

Ҳақиқатан ҳам бу звенонинг тажрибаси диққатга сазовордир. Бизнинг бригадада ҳам картошка етиштиришни механизациялаштириш соҳасида анчагина тажриба орттирилди. Ўтган йили бизда 15 гектар ерга картошка экилиб, унинг ҳар гектаридан 111 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил колхоз бўйича 11 та ихтисослаштирилган звено ташкил қилинди. Шундан 3 звено картошка етиштириш билан шуғулланади. Ана шу звенонинг биттаси бизнинг бригадамиздадир.

Биз звенода ишни ўртоқ В. И. Кузнецов звеносининг тажрибаси асосида ташкил этишга қарор қилдик. Ана шу мақсадда звенога 20 гектар ер, 4 ишчи кучи ажратиб берилди. Шунингдек звенога битта универсал трактори ва бошқа иш қуроллари ҳам биркитилган.

Звено аъзолари ерни ҳайдашдан тортиб, картошкани йиғиб-териб олишгача бўладиган барча ишларнинг асосий қисмини машинада бажариб, киши бошига 75 тоннадан картошка етиштиришга сўз бердилар.

Бу соҳада дастлабки ишлар бажарилди. Ерлар кузда сифатли шудгор қилиб қўйилган эди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 200 килограммдан фосфор солинди. Экиш олдидан ҳам ерни ўғитладик: бир гектар ер ҳисобига 60 килограмм калий, 200 килограмм суперфосфат, 50 килограмм сульфат аммоний солинди. Шундай қилиб, ҳозиргача салкам 7 гектар ерга эртаги картошкани экиб қўйдик.

Қолган ўртаги ва кечки картошкани ҳам механизация ёрдамида экамиз. Бутун мавсум давомида картошка 3 марта культивациядан чиқарилади, озиқлантирилади. Бу ишлар ҳам фақат механизация воситасида бажарилади.

Звено билан колхоз правлениеси ўртасида хўжалик ҳисобида ишлаш тўғрисида келишиб олинган. Звено аъзолари қанчалик яхши ишласалар, ажратилган маблағни тежаб-тергаб сарфласалар, пландан ташқари қанчалик кўп ва арзон ҳосил олсалар, даромадлари шунчалик мўл бўлишини яхши биладилар.

Масалан, ишлаб чиқариш молия плани бўйича звенога 2.105 меҳнат куни ажратилган. Уруғлик, ўғит, заҳарли химикатлар сотиб олиш, хизмат ҳақи, механизация ва бошқа ишлар учун 7.799 сўм пул харажати кўзда тутилади. Агарда киши бошига 75 тоннадан, яъни 300 тонна картошка етиштирилса, давлат унинг ҳар центнерини 10 сўмдан сотиб олади. Бу 30 минг сўм деган гап. Картошка етиштириш учун кетган жами сарф харажат чегириб ташланганида звено 17.991 сўм даромад келтиради. Бу даромаднинг бир қисми звено аъзоларига тақсимлаб берилади.

Ўтган йили картошка ва сабзавотнинг таннархи бироз қимматга тушган эди. Механизация ва ихтисослаштириш бу йил картошканинг таннархини кескин камайтириш имкониятини беради.

Ана шунинг учун ҳам ҳозир звено аъзолари ҳамма ишларни ўз вақтида сифатли ва намунали бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу кунларда ўртаги картошка экиш учун ерларимизни тайёрламоқдамиз. Биз механизациянинг кенг қўлланиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланишни агротехниканинг бошқа тадбирлари билан узвий боғлаб олиб бориш йўли билан зиммага олган мажбуриятимизни бажариш — ҳар бир киши бошига 75 тоннадан картошка етиштириш учун барча чораларни амалга оширамиз ва шаҳар меҳнаткашларини мўл сабзавот ҳамда картошка билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

А. АБДУЖАЛИЛОВ,
Калинин бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи.

А. ИЎЛДОШЕВ,
картошкачилик звеноси бошлиғи.

Ш. ТЎЛАГАНОВ,
звенонинг тракторчиси.

Х. ТЎЛАГАНОВ,
Р. НУРМУҲАМЕДОВ,
сувчилар.

БУ, КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ЎЗ ИШИ

«Колхозлар ва совхозлар давлатга маҳсулотларнинг қанча ва қандай турларини сотишлари кераклиги тўғрисида уларга топшириқ берилиши лозим, аммо ҚАНДАЙ ЭКИНЛАРНИ қанча экиш, ...ердан қандай қилиб рационал фойдаланиш—бу колхозчиларнинг, совхоз ходимларининг ўз ишидир; улар ўз шароитларини ўзлари яхши биладилар ва ўзларида бор имкониятлардан тўғрироқ фойдаланаоладилар».

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу йил 20 мартда чиқарган қаоридаги бу сўзлар колхоз ва совхоз раҳбарларининг дилидаги гап, — дейди Келесдаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз раиси Маъмуров, —чиндан ҳам колхозга қандай маҳсулотдан қанча етиштириш ҳақида топшириқ берилса кифоя-да. Лекин, афсуски, биз неча гектар ерга нималар экиш ҳақида ишлаб чиқариш бошқармаси билан бир-бир ярим ой бахслашамиз. Баъзан бошқарма раҳбарлари бизнинг таклифимизга кўнадилар, баъзан эса бошқарма берган пландагидан бир гектар ҳам ортиқ экмайсиз, деб туриб оладилар. Партия ва ҳукуматимиз ана шундай ноўрин ҳаракатни қоралагенликларидан биз жуда хурсандмиз.

Мақсудали ака янги қарорни шу қадар қизғин маъқуллаётганлигида жон бор. Колхоз правлениеси хўжалигининг ички имкониятлари ва Калинин бошқармаси олдидаги вазифаларни эътиборга олиб 1964 йил учун ўз ишлаб чиқариш планини белгилади. Унда картошка, ғалла етиштиришни сезиларли кўпайтириш кўзда тутилган. Лекин бошқарма ана шу экинлар экишга ҳам ер белгилаган. Колхоз бунга кўнмай ўз имкониятига қараб иш тутяпти. Бошқарма томонидан колхозга 80 гектар картошка экиш планлаштириб берилди. Улар имкониятларини ҳисобга олиб, 100 гектарга эртаги картошка экишда. 20 гектарга карам экиш планлаштирилган бўлса, ҳозирнинг ўзида 21,5 гектар ерга эртаги карам экилди. Жами 334 гектар дон экиш плани берилган эди. Колхоз пландагидан 9 гектар кўп экди. Қанд лавлаги планлаштирилмаган эди, колхоз ишлаб чиқаришга зарурлиги инобатга олиниб 5 гектар ерга лавлаги экилди.

З. ИСАЕВ.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ!

Яқинда матбуотда яна бир муҳим ҳужжат эълон қилинди: КПСС Марказий Комитети колхоз ва совхоз — ишлаб чиқаришни планлаштириш практикасидаги қўпол бузилишлар ва нуқсонлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу қарорда колхоз ва совхоз раҳбарларига ишлаб чиқаришни планлаштиришда катта ишонч билдирилган. Колхозчилар, совхоз ишчиларининг ташаббус кўрсатиб ишлаши учун янада кенг йўл очиб берилди. Негаки юқоридан туриб зўрмазўраки колхоз шароитига мос келмайдиган план тузилишига хотима берилди.

Эндиликда колхозчилар ҳам, совхоз ишчилари ҳам жонажон Ватанимизга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш зарурлигини жуда яхши англайдилар. Шунинг учун қуйида туриб план тузилган вақтда маҳсулот етиштириш камайиб кетади, деган хавфнинг бўлиши мумкин эмас.

Ўтган йили бизнинг колхозда ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил олинди. Бу йил эса 1750 гектар майдондан 23,2 центнердан ҳосил етиштиришни планлаштирдик. Ишлаб чиқариш бошқармаси ўзимиз тузган ва қўл қўйган етти йиллик планга мувофиқ план топшириғи берди.

Биз мана шу планни муваффақиятли бажариш, жонажон Ўзбекистонимизнинг 40 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғаси билан нишонлаш учун чигит экишга қизғин тайёргарлик кўрдик. Янги ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилишга интилаяпмиз. Механизаторларнинг пахтачиликдаги роли ортиб бормоқда. Ҳозир бизда 31 механизатор звено бошлиғи.

Биз чигит экишни тез ва соз ўтказиш учун ҳаракат қиламиз.

Ўтган йили барча пахта майдони тўла шудгор қилиб қўйилган. Лекин шудгор олдидан фақат 750 гектар ерга самолет билан фосфор сепилган эди. Ҳозир қолган ерларга экишдан олдин ўғит солиняпти, ерда намни сақлаб қолиш учун далалар текисланиб борона қилиняпти, мола босилмоқда. Ҳозиргача 800 гектардан кўпроқ ер экишга тайёрлаб қўйилди.

Шу кунларда 8 та ҳайдов трактори ер текислаш, 12 та трактор борона қилиш, 3 та чизель ерларни чизеллаш билан банд. 11 минг метр узунликдаги ички ариқ-зовурларни тозалаб қўйганмиз.

Бу йил биз қўриқ ер ҳисобига пахта майдонини 60 гектар кенгайтирдик. Янги ерларни ўзлаштиришда бир экскаватор ва бир бульдозер ишлаб турипти.

Ер шароитимизни ҳисобга олиб 800 гектар ерга квадратуялаб чигит экишни планлаштирдик.

Бизнинг қир ерларимизда чигитни эрта муддатларда экиш жуда фойдали. Чунки бу тадбир чигитни ернинг ўз намига униб чиқишини таъминлайди. Шунинг учун биз Омон Тожиёқубов, Элбой Уролов, Суюн Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда чигитни экишни бошлаб юбордик. Ҳар бир картада тўла қўчат бўлишини таъминлаш учун барча чораларни кўрамиз.

Йўлдош ҲОЖИМАТОВ,
Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ҳамза номли колхоз раиси.

Гидропоника сабзавотчиликкa ҳам кириб келмоқда. Сиз суратда Калинин бошқармасидаги «Қорасув» совхозининг 3-бригадаси аъзоларини кўриб турибсиз. Улар бир гектар майдонга плёнка воситасида бодринг экишди. (чапдан) Т. Ҳайитов ва Н. Расулев ўртоқлар плёнка билан экинлар устинн беркитишаяпти.

Ўнгда эса (чапдан) Х. Каримова ва Н. Рихсиева ўртоқлар помидор кўчатларини пикировка қилишяпти. Улар нормадаги 3 минг ўрнига ҳар куни 5 минг туп кўчатни пикировка қилиб илғорликни кўлдан бермай келишяпти.

А. Абалян фотоси.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан

ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбек кинематографиясининг «ёши» республикамиздан бир ёшгина «кичкина»дир. У 1925 йилнинг 4 июлида ташкил топди. Ана шу йилдан бошлаб ўзбек санъаткорлари илғор рус маданияти арбоблари билан ижодий ҳамкорликда замон талабларига жавоб берувчи фильмлар яратишга уриниб келдилар. Студиямиз ўзининг дастлабки овозсиз фильмларинёқ актуал темаларга бағишлаб, социалистик қурилишга тўсқинлик қилмоқчи бўлган эски дунё қолдиқларини экранда фош этишга киришди. Ўзбек кинематографияси ўзининг овозли даврига бу соҳада тажрибали миллий кадрлари, ижодий ютуқлари билан кириб келди.

30-йилларнинг биринчи ярмида мамлакатимизнинг барча республикаларида кино установкалар, студиялар овозлаштирилабошланди.

Ўзбек кино санъаткорлари ўзларининг дастлабки овозли фильмларини рус режиссёрлари, овоз операторлари билан яратдилар. Ана шу овозли кино техникаси ва санъатини эгаллаш даври ўзбек кино аҳлари учун кўп саноқли эди. Шаҳар, қишлоқларда бўлаётган воқеалар, социализм қураётган совет халқи онгида бўлаётган ўзгаришлар ҳаққоний киноленталарда ўз аксини топиши лозим эди. Янги кашфиёт сирларини ўрганишда ҳужжатли кино яратувчилар айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Биринчи ўзбек ҳужжатли фильмларининг пайдо бўлиши бадиий кинематография ходимлари учун янги темаларни очди, экранда замондошимиз образини яратишга ундади. Ана шундай фильмлардан бири режиссёр Н. Кладоннинг 1931 йилда яратилган «Қумликдаги воҳа» кино очерки бўлди. Хоразм воҳаси, унинг янги кишиларининг социалистик қурилишдаги ижодий меҳнатини куйловчи бу қизиқарли киноленталари яратишда ёш ўзбек кинонхлосманди Малик Қаюмов актёр ва оператор ассистенти сифатида актив қатнашди. Шу фильмдан сўнг романтикага тўла, халқ учун фойдали бўлган бу касб истеъдодли М. Қаюмовга жуда маъқул тушди. Ёш санъаткор ўзининг кейинги йилларидаги ҳаётини ҳужжатли кино санъати билан боғлади.

Ўзбек санъат арбоблари тинмай овозли кино имкониятларини ўргандилар. Чунки кинематографияга овознинг келиши билан режиссёр, актёрлар ва айниқса кинодраматургларнинг вазифаси янада мураккаблашди. Режиссёрлар Н. Ғаниев, С. Ҳўжаев, операторлар А. Иброҳимов ва М. Қаюмов, сценарист ва актёр Э. Ҳамроев, сценарист ва таржимон А. Шаропов, артистлар Р. Пирмуҳамедов, ассистент И. Аъзамов марказий киностудиялардан келган санъаткорлар билан ҳамкорликда ишлаб ўз маҳоратларини оширдилар. Партия ва ҳукуматимиз республика кино санъатининг тараққиёти учун ғамхўрлик қилиб келди: янги кинопавильонлар, овоз цехлари қуриш учун маблағлар ажратилди. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан тажрибали режиссёрлар, овоз операторлари, инженерлар таклиф этилди, истеъдодли ўзбек кино ходимлари ўз профессионал маҳоратларини ошириш учун турли республикалардаги киностудияларга, ўқув юртларига юборилди.

Ўзбек кинематографияси тараққиётида республикамиз 10 йиллик юбилейига бағишлаб ишлаб чиқарилган «Қасам» фильми муҳим роль ўйнади. Москва киностудиясидан таклиф қилинган А. Г. Усольцев-Гарф, ленинградлик овоз оператори К. Массальский, оператор Симбирцев бошчилигида олинган бу биринчи ўзбек бадиий овозли фильмида биринчи марта республикамиздаги театрларнинг профессионал артистлари қатнашдилар. Реалистик театр традицияларини ўзлаштирган артистлар ўзбек кинематографиясига инсон характери, ҳаққоний образ яратиш йўлида эришган ютуқлари, катта тажрибаларини ҳам олиб келдилар. Ана шу давр-дан бошлаб театрлар, хусусан ўзбек Академик драма театри артистлари ўз ижодларини кино билан чамбарчас боғладилар. Биринчи ўзбек овозли фильми янги талантларни «очди»: драматик артистлар — А. Исматов, Е. Бобожонов, Ҳ. Латипов, Ш. Раҳимова, уста санъаткор Л. Саримсоқова ва бошқа кўпгина кино ихлосмандлари биринчи марта съёмкада қатнашдилар. Ер ислоҳоти фонида хотин-қизлар озодлиги, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун курашга чақирувчи бу фильм томошабинларга манзур бўлди, неча йиллар давомида мамлакатимиз ва чет эл кино экранларида муваффақият билан намойиш қилинди.

Биринчи овозли фильмда эришилган ютуқлардан илҳомланган ўзбек кино ходимлари замонавий темаларда сермазмун киноленталар яратишга киришдилар.

Тошкент киностудияси кейинги фильмларини ҳам — «Азамат» (1939), «Асал», «Оддий иш» (1940) актуал темаларда яратдилар.

Улуғ Ватан уруши йиллари ўзбек кино санъаткорлари учун жанговар синов йиллари бўлди. Марказий киностудиядан «Ўзбекфильм»га келган тажрибали режиссёр, драматурглар ўзбек санъаткорларининг профессионал маҳоратининг ўсишида ижобий роль ўйнадилар. Комил Ёрматов, Наби Ғаниев, Йўлдош Аъзамов, З. Собитовлар ўз устозлари Я. Протазанов, М. Роом, Е. Ғабрилович, И. Хейфиц, А. Зархи, Л. Луков, А. Спешнев, Л. Свердлин билан ёнма-ён туриб ижод қилдилар. Ҳамкорликда яратилган жанговар кинотўпламлар, концертлар, тўла метражли бадиий фильмлар фронтнинг илғор линияларида, узоқ қишлоқларда намойиш қилиниб, халқимизни янги ғалабаларга отлантирди. Ана шу даврда ўзбек санъаткорларидан, айниқса Наби Ғаниевнинг ижоди самарали бўлди. Бу санъаткор 1941 йилдаёқ икки қисмли «Биз енгамиз» номли фильмни яратди.

Ўзбек киностудияси ходимлари барча совет кишилари каби душман устидан қозониладиган ғалабани тезлаштириш учун ғайрат билан меҳнат қилдилар, даврталабларига жавоб берувчи янги киноленталар яратдилар. Етук режиссёрларимиз Ватан мудофаси, халқлар озодлиги, дўстлиги, биродарлигини улуғловчи, шу билан бирга сотқинлик, бевафолик, маккорлик, хоинликни қораловчи фильмларга янги мавзу, янги форма қидирдилар. Ижодий изланиш самарали натижалар берди. Студиямиз қисқаметражли жанговар кинотўпламлар билан бирга фольклор материаллари асосида «Насриддин Бухорода» ва «Тоҳир ва Зуҳра» фильмларини яратди. Бу икки фильм уруш йиллари инсонийлик учун, гуманистик ғоя учун бўлган курашда жанговар байроқ бўлди, меҳнаткашларни Ватанга содиқлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнади.

Санъаткорларимиз урушдан кейинги йилларда кўпроқ тарихий темаларда кинофильмлар яратишдилар. Наби Ғаниев уруш йиллари Я. Протазанов билан бирга «Насриддин Бухорода» фильмининг иккинчи сериясини, «Насриддин саргузаштлари»ни суратга олди. Комил Ёрматов эса урушдан олдин бошлаб қўйган ишини — буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳақида сермазмун киноленталарини томошабинларга тақдим этди.

Буюк мутафаккир, гениал шоир ижоди, жўшқин ҳаётига бағишланган бу завқли кино лента ўзбек санъати эришган яна бир ютуқ бўлди. Режиссёр К. Ёрматовнинг етук асари — бу фильм ўзбек кино санъатида яратилган биринчи тарихий-биографик фильм бўлди. Режиссёр ва драматургларнинг таланти, кучли актёрлар ансамблининг ижодий ғайрати ила вужудга келган бу фильмда тарихий воқеалар тўғри талқин этилди, адабиётимиз асосчиси, гуманист Алишер Навоийнинг илғор ғоялари ижодининг шоирона нафаси реалистик бўёқларда ўз аксини топди. Режиссёр-постановкачи Комил Ёрматов, артистлар Асад Исматов, Раззоқ Ҳамроевга Давлат мукофотининг берилиши фильмнинг бадиий-ғоявий савиясини юксаклигидан дарак берувчи яна бир далил бўлди.

Бу фильмдан кейин тарихий-биографик жанрда яратилган «Абу Али ибн Сино», қизиқарли эртак формасида ишланган «Пахтаой» фильмларида К. Ёрматов ўзининг кинематографик таланти намойиш қилди, кўпгина ёш санъаткорларнинг устозига айланди.

Ленинча нормаларни тиклаган XX съездга қадар давом этган «камкартиналик» даврида замонавий темаларни ўзлаштириш айниқса қийин бўлди. Ана шу даврда бундай аҳвол фақат бизнинг студиямизда эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа марказий, республика киностудияларида ҳам юз берди. Айрим санъаткорларимиз ана шундай оғир дамларда ҳам ўз гражданлик бурчларини бажариш мақсадида актуал темаларга мурожаат қилдилар. Лекин уларнинг ижодий интилиши, изланишлари сермазмун, замонавий фильмлар билан якунланишига имконият туғилмади. «Фарғона қизи» (1948), «Шоҳи сўзана» (1954), «Опа-сингил Раҳмоновалар» (1954) фильмлари яратилишида йирик санъаткорлар қатнашганига қарамай, улар талабчан томошабиларнинг дидига мос келмади.

Партиямизнинг XX съезди қарорларидан сўнг вужудга келган шароит ўзбек кино санъатига самарали таъсир кўрсатди. Агар урушдан кейинги ўн йил давомида 8-9 фильмдан фақат 3 таси замонавий темага бағишланган бўлса, тарихий съезддан кейинги йилларда киностудиямиз актуал темаларни ёритиш мақсадида ўзининг ҳам ташкилий, ҳам ижодий ишларини қайта қурди. Бу даврда режиссёрлар И. Аъзамов, З. Собитовлар мустақил ишга ўтдилар, ёш санъаткор Л. Файзиев адабиётимизнинг энг яхши намуналарини кино тилига кўчиришга киришди. Ёш режиссёр яратган «Ленин йўлланмаси билан» фильмида биринчи марта кино санъатимизда доҳи Ленин образининг яратилиши катта воқеа бўлди.

Ўзбек киностудияси коллективи сафига йил сайин куч ва ғайратга, катта ижодий режаларга тўла ёш таланглар келиб қўшилмоқда. Бу эса ишлаб чиқарилаётган тўла метражли бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг сони ва бадиий савиясини оширишга ёрдам бермоқда. Студиядаги ишлар кун сайин жонланиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг адабиёт ва санъатимизнинг янада равнақ этишига чақирувчи қарорлари билан қуролланган кинематография ходимларимиз ўз профессионал маҳоратларини оширишга, замондошимизнинг тўлақонли образини яратиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шуниси муҳимки, санъаткорларимиз шаблон бўлиб қолган услублардан, одатдаги схематик приёмлардан воз кечиб, янги маъводор кинематографик воситалар топишга интилмоқдалар. «Узбекфильм» киностудияси маркаси билан яратилган «Сен етим эмассан», «Самолётлар қўнолмади» ва «Баҳордан баҳоргача» фильмларининг томошабинлар томонидан қизғин кутиб олиниши ана шу йўлда эришилган дастлабки йирик ютуқлардан бўлди.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Миркомил Маматқулов Тошкентдаги трактор-йиғув заводининг илғор ишчиларидан бири ҳисобланади. У пахта териш машинаси учун ҳар куни юзлаб шестерня тайёрлаб беради. Миркомилнинг қўлидан чиққан маҳсулотни кўрсангиз ҳавасингиз келади. СУРАТДА: М. Маматқулов иш устида.

А. Тўраев фотоси.

Урмон хўжалиги Урта Осиё илмий-текшириш институтининг агрохимия лабораторияси ҳозирги кунда колхозчилар билан гавжум. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз аъзоларидан бир группаси бу лабораторияда химия билимларини ўрганишмоқда. Суратда: старший лаборантка Р. Тўлаганова (ўнгдан) колхозчи С. Иллаутдинова билан лабораторияда.

В. Кирияцкий фотоси.

АВТОГРАФЛИ КИТОБЛАР

Нодир китоблар зали. Алишер Навоий номли ўзбек Давлат халқ кутубхонасида бўлиб нодир асарларни варақлаган китобхон маърифат хазинасининг ажойиб дурдоналари билан танишади.

Худди ана шу тарихий китобларнинг деярли кўпида машҳур ёзувчи ёки олимларнинг шахсий автографлари бор. Немис олими Г. Веберннинг «Умумий тарих» деган китоби ҳам камёб асарлардан бири. Улуғ танқидчи Н. Г. Чернишевский бу асарни рус тилига таржима қилган. Китобнинг титул варағига Н. Г. Чернишевский ўз қўли билан қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Китоб Н. Чернишевскийдан Семён Моисеевич Поповга тортиқ этилади».

Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький томонидан М. М. Кацюбинскийга тақдим этилган китобни ҳам шу залдан олиб ўқиш мумкин.

А. АБДУАЛИЕВ.

ЁШ МАТЕМАТИКЛАР СТУДИЯСИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультети ҳузурида қариб 1935 йилдан бери математика тўгараги ишлаб келади. Ана шу йиллар давомида тўгаракка ҳисоблаш математикаси кафедрасининг профессори А. П. Доморяд раҳбарлик қиляпти.

Математика тўгарагига мактабларнинг еттинчи ва юқори синф ўқувчилари жалб этилган. Тўгарак машғулотлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Ҳар йили университетда математика олимпиадаси ўтказилади.

Мана бир-икки йилдирки, университет ҳузурида ёш математиклар студияси иш бошлади. Студия ишига профессор С. Сирожиддинов яқиндан ёрдамлашяпти. Шунингдек, университет ўқитувчилари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институти ёш олимлари студия аъзолари билан машғулотлар олиб боришаётир.

А. ОДИЛОВА.

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

Хонага кириб келган Мавжудани Анвар ака илиқ қаршилади.

— Келинг, Мавжудахон, ишлар яхшими?

— Раҳмат, Анвар ака, —деди Мавжуда стулга ўтираркан,—бир маслаҳатли иш билан...

— Марҳамат, қани эшитайлик?

— 3-бригадада медпункт ташкил этсак, деган фикрдамиз.

— Жуда яхши, — Анвар ака Мавжуданинг фикрини қувватлади, — мен ҳам шундай фикрда эдим. Бу жуда зарур.

Мавжуда Дўрмон қишлоқ Советининг раиси М. Ҳолматова билан бу ишга жиддий киришажагини айтди ва Анвар ака билан хайрлашиб хонадан чиқди.

Орадан бир неча кун ўтиб бригадада шинамгина медпункт пайдо бўлди.

Хўш, бу жонкуяр аёлнинг ўзи ким, дерсиз? Бу район Советининг депутати Мавжуда Мавлоновадир.

Мавжуда депутат бўлиб сайлангунга қадар ҳам колхозчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. У 1955 йилда Пушкин номидаги ўрта мактабни тамомлади. Мавжуда билан таълим олган дугоналарининг бири институтга, яна бири чевар тикувчи бўлиб етишиш мақсадида чеварлар мактабига ўқишга кирди. Мавжуда эса ҳеч иккиланмай мустақил ишлашга, ўзи туғилиб ўсган жонажон колхозида қолиб ишлашга қарор қилди ва ўша йилиёқ пахта йиғим-терими даврида ўзини кўрсатди: пахтани тез ва тоза теришда ҳаммага намуна бўлди. У асл деҳқон қизи. Унинг отаси М. Ваҳобов 31 йил ўқитувчилик қилиш билан бирга пилла-чилик участкасида агроном бўлиб ишлади, онаси эса чевар теримчи, синглиси Матлуба бўлса моҳир пиллачи. Мавжуда ҳам ота-онасига ўхшаш меҳнаткаш эканлигини айниқса пахта йиғим-терими даврида кўрсатди. Жамоат ишларига актив қатнашди. Шунинг учун ҳам колхозчилар унга катта ишонч билдириб, уни район совети депутатлигига ядиллик билан сайлашди.

Мавжуда доимо кишилар ҳақида ўйлайди, уларга қўлидан келган ёрдамни аямайди.

Райондаги Пушкин, Крупская номли мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказиш лозим бўлиб қолди. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмас эди. Бунинг учун қўшимча синф хоналари керак. Мактаб коллективи ва колхоз правленеси бу масалада турли ташкилотларга мурожаат қилиб ҳам кўришди. Бироқ ҳеч қандай натижа чиқмади. Шундан кейин колхозчилар ўз депутатлари Мавжуда Мавлоновага мурожаат қилишди. У қишлоқ раҳбарлари билан маслаҳатлашиб колхознинг 2—3-участкаларида фойдаланилмай ётган эски клуб биноларини ремонт қилиб, уни қўшимча синф хоналарига айлантириш ҳақида таклиф қўйди. Бу таклиф ҳаммага ёқиб тушди. Мактабда машғулотлар бир сменада олиб бориладиган бўлди.

Мавжуданинг мақтовга сазовор ишлари кўп. У кишиларга меҳрибон, ғамхўр. Колхозчилар ҳам унга жуда ўрганиб қолишган. Улар Мавжудани худди ўз фарзандларидек севишади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров бошлиқ бригада ўтган йили 265 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан пахта ҳосили йиғиб олди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда ана шу бригадада меҳнат қилаётган депутат М. Мавлонованинг ҳам ҳиссаси бор.

Ҳ. НАЖМИДДИНОВ.
Калинин район, «Қизил Ўзбекистон» колхози.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Натижаларни маълум қилади

«РЕМОНТ КЕЧИКАЯПТИ»

«Узсельхозтехника» нинг район бўлимлари, ремонт заводлари, устахоналарининг деҳқонларимизга кўрсатаётган амалий ёрдами катта. Аммо «Узсельхозтехника»нинг Бўка район бўлими ҳақида бундай илиқ гапларни айтаолмаймиз. Бўлимда бошқарма хўжаликларидан техника ремонти бўйича тушаётган заказлар кўнгилдагидек бажарилмаяпти, техникага эҳтиётсизлик билан қаралмоқда, шундай жумлаларни газетамизнинг 12 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада ўқигансиз албатта.

Яқинда, шу материал юзасидан, Бўка бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Ражабовдан қуйидаги мазмунда жавоб олдик.

Мақола «Узсельхозтехника»нинг район бўлимида ишчи-хизматчилар билан ўтказилган умумий йиғилишда муҳокама қилинган. Муҳокамада сўзга чиққан ўртоқлар газетада кўрсатилган танқидий фикрларни тўғри, деб эътироф этишган ҳамда техникани барвақт ва сифатли ремонт қилиш юзасидан мажбурият олишган.

Устахоналарда ремонт ишларини ташкил қилиш ҳамда техниканинг сифатли ремонт қилинаётганлигини контроль қилиб туриш учун махсус комиссия тузилган. Бу комиссияларнинг текшириш натижалари «Сельхозтехника» ишчи, хизматчиларн ўртасида тез-тез муҳокама қилинадиган бўлган.

Ремонт қилинган техниканинг узель ва агрегатларини жамоатчилик ёрдамида текшириб хўжаликларга топшириш жорий қилинган. Кундалик иш натижалари планеркада муҳокама қилиб турилади-ган бўлган.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунист» колхозида техника ремонтига етарли эътибор берилмаётгани, «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмаси устахоналарига келтирилган қишлоқ хўжалик машиналари узоқ муддатгача ремонт қилинмаётгани газетамизнинг 25 январь сонида танқид қилинган эди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетидан келган жавоб хатида: мақола «Сельхозтехника» район бирлашмасининг ишлаб чиқариш мажлисида муҳокама қилиниб, камчиликларнинг олдини олиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Шу кеча-кундузда техника тўла-тўкис ремонт қилиниб, хўжаликларга жўнатиляпти, — дейилади.

КИШИЛАРИМИЗ ЮКСАК ДИДЛИ БЎЛСИН

Кўчада кетаётганингизда ёки театр, кино, музей, виставкаларда, коллектив ичида турлича кийинган кишиларни кўрасиз. Уларнинг баъзилари ихчам, чиройли, шу билан бирга содда ва ўз қадди-бастига мос қилиб тикилган кийимларни кийганлар, баъзилари бунинг акси. Ҳаммага маъқул кийинган кишиларни «дид билан кийинишибди» деймиз. Шунингдек, баъзилар уй анжомларини жой-жойини топиб, ўз ўрнини билиб жойлаштирадилар, бошқа бировлар эса жуда кўп нарсаларни йиғиб, тартибсиз қалаштириб ташлайверадилар.

Шу ўринда рассом Л. Абдуллаевнинг «Чалғи ўзлаштирувчилар» картинасини мисолга келтиришни лозим топдик. Бу картинани диққат билан кузатган киши унинг юксак дид билан ишланганлигини пайқайди. Кийимни ҳар кишининг ўзига муносиб, бежирим қилиб эўр маҳорат билан тиккан чевар ҳам, картинанинг автори ҳам ўз ҳунарининг устаси бўлиш учун, кишиларга манзур маҳсулот бериш учун жуда кўп машқ қилганлар, унинг ижобий томонларини ўрганганлар.

Юксак дид билан қилинган ишнинг маҳсули ғўзал бўлади. Шунинг учун ҳам энг ғўзал нарса — меҳнат кишида мардлик, тўғрилик, матонат, қаттиқлик, одоблилик, коммунистик онглилик, ижодий активлик каби шахсни безайдиган ғўзал фазилатларни ҳосил қиладики, бу фазилатлар ҳам ўз навбатида кишида юксак диднинг шаклланишига кўмаклашади.

Кишиларимизни юксак дидли қилиб тарбиялашни коммунистик тарбиянинг ажралмас қисми, унинг муҳим томони, деб билган партия ва ҳукуматимиз, айниқса ёшларни тарбиялаш ишига катта аҳамият бериб келмоқдалар. Хусусан, бу ўринда ўрта таълим мактабларининг ишлаб чиқариш-политехника мактабларига айлантирилиши, мактабларда ва мактаб-интернатларда турли тўгаракларнинг «кунданкунга ортиб бораётганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя. Демак, меҳнатнинг ғўзаллиги, уни эстетик қабул қилиш киши характерининг, дунё қарашининг шаклланишида эўр тарбиявий аҳамиятга эга.

Эстетик дидни тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан яна бири санъатдир. Ҳақиқий эстетик дид — ўзининг юксак ғоявийлиги билан, чуқур мазмуни билан кишини тўлқинлантирадиган санъатни тушунуши ва қадрлаш, қоя-мунистик жамият идеалларини, халқнинг энг яхши ҳис ва орзуларини бадиий жиҳатдан тўлақонли акс эттирувчи санъатни тушуниш, ҳис этиш, ундан лаззатланиш ва шундай санъат акс эттирган ҳаётни севиш қобилиятидир. Чунки, санъат образларида жамиятнинг фалсафий, ҳуқуқий, аҳлоқий ва эстетик қараш-лари, фикр ва туйғулари ўз ифодасини топган бўлади. Чунки, санъат инсонда эзгулик, кучли иродалилик, ижтимоий мулкка, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, одиллик, тўғрилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интернационализм каби энг яхши хусусиятларни тарбиялайди, умуман, кишини аҳлоқнинг коммунистик нормаларини ўзида ҳосил қилишга ундайди.

СССР халқ артисткаси Галия Измайлова ижросидаги «Орзу» балетини томоша қилар эканмиз, раққосанинг юксак дид ва эўр маҳорат билан рақсни ижро этишидан бизда эстетик ҳис пайдо бўлади. Балетнинг пахтазор осмонини қора булут қоплаган ва Юлдуз саросимада қолган моментида биз саҳчани ҳам, раққосани ҳам унутамизда, бутун борлиғимиз билан содир бўлаётган воқеаларга берилиб кетамиз: ҳаяжонланамиз, диққатимиз бир марказга тўпланади — шу йўсинда бизда эстетик кечинма содир бўлади.

Ана шу хилда асарни эстетик қабул қилгач, томоша қилиш процессидаги ҳис-ҳаяжонимизни ва кам даражадаги тафаккуримизни мантиқий мулоҳаза тарзида давом эттирамиз. Шунда дид ва ғаросатимиз ёрдамида асардаги воқеа ва қаҳрамонларга муносабатимиз аниқланади: уларни салбий ва ижобийларга ажратамиз, салбий қаҳрамонларга нисбатан нафрат ҳисси алангаланади, ҳаётда бундайларга қарши кескин курашни мақсад қилиб қўямиз. Ижобий қаҳрамонларга нисбатан эса, бизда ҳайрихоҳлик, муҳаббат ҳисси уйғонади ва биз ўзимиздаги салбий хусусиятларни йўқотишга аҳд қиламиз (ҳаётда шунга ҳаракат қиламиз); ижобий фазилатларни ўрганишга, бундай фазилатларни ўзимизда ҳосил қилишга ўринамиз. Бу ҳол санъатнинг ўзига хос равишда кишига таъсир қилиш хусусияти билан изоҳланади.

Санъат асари киши томонидан илмий асарлар каби мантиқий тафаккур йўли билангина идрок қилинмайди. Санъаткорнинг образларда мужассамлашган фикри, ғояси, мақсади китобхон, тингловчи ёки томошабиннинг асабларига, ҳис-туйғусига, психикасига таъсир этиб, унда худди ўз фикридек қайта туғиладн — санъатнинг ўзига хос равишда таъсир қилиш қучининг сири ана шунда. Хусусан, юқорида айтганимиздек, ўқиш ёки томоша қилиш процессида китобхон ёки томошабин асарга шундай берилиб кетадики, натижада ўзининг китоб ўқиётганини (ёки залда ўтириб картина томоша қилаётганини) унутади ва ўзини асарда тасвирланаётган воқеанинг бевосита иштирокчиси деб ҳис қилади: қаҳрамонлар билан фикран гаплашади, салбий воқеалардан, салбий қаҳрамонларнг қилмишларидан ғазаблана ди, ижобий қаҳрамоннинг қилмишларидан хурсанд бўлади, фикран унга кўмаклашади, асарнинг комик моментларида (баъзилар барала кулиб юборадилар, баъзан таажжубланадилар). Катарсис ходисаси деб аталувчи бундай кучли эстетик кечинма кишининг фақат фикрида, қалбидагина ўзгариш ясамай, бу ўзгаришни ўз ҳаётида амалга оширишга ундайди.

Санъат ғоявий-сиёсий ва аҳлоқий-тарбиявий вазифаларни бажариш билан, инсон фикр-туйғуларини муайян зарурий йўналишда бойитиб бориш билан, кишиларда бадиий дид, эстетик эҳтиёжларнинг ўсишига имкон беради. У инсон онгини шакллантиради, олам тўғрисидаги билимини бойитади. Инсон меҳнатининг энг яхши меваларини эстетик қабул қилиш билан бирга, уни севиш, қадрлашга ўргатади. Ҳатто муайян иш соҳасида мутахассис бўлишга ундайди.

Бизнинг санъатимиз кишилар онгини ҳаёт билан, бахтли келажак—коммунизм қураётган миллионлар оммасининг ижодиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланишига ёрдам бермоқда. Ҳақиқатда ҳам санъат асарлари воқелигимизни тарихий конкрет, ҳаққоний ва революцион тараққиётда акс эттирмоғи, даврнмиз кишиларининг талабига жавоб берадиган бўлмоғи, капитализм қарқиндларини дадил фош қилмоғи лозим.

Дарҳақиқат, эстетик идеаллар коммунизм қуришнинг буюк моддий кучига айланмоқда. Айниқса, санъат асарини эстетик қабул қилишда кишида эстетик ҳис ва эстетик кечинмаларнинг содир бўлиши, бундай асарлардан эстетик лаззатланиш санъатнинг ёш авлодда коммунистик онг ва коммунистик аҳлоқни тарбиялашда энг яхши усул, эканлигини кўрсатмоқда.

Хуллас, дидни тарбиялаш — кишида табиат, жамият, турмуш, меҳнат фаолиятидаги, санъатдаги ғўзалликни қабул қилиш ва ана шундай ғўзалликни ярата олиш қобилиятини тарбиялаш кишиларни юксак дидли, маданиятли қилиб тарбиялашдирки, бу кишиларда коммунистик аҳлоқнинг шаклланишига хизмат қилади. М. Горький айтганидек, эстетика— келажакнинг эстиҳсидир.

Коммунистик тарбиянинг ажралмас бир қисми бўлган дидни тарбиялашнинг мақсади — кишиларимиз онгини, эстетик ҳис ва эҳтиёжларини, дид ва қарашларини коммунистик идеологияга мос равишда тарбиялаш билан уларни ҳар тарафлама тараққий этган кишилар қилиб етиштиришдан иборат. Бу ҳол ҳозирги кунда дидни тарбиялашнинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини кўрсатади.

Партия ва ҳукуматимиз совет халқини юксак дидли қилиб тарбиялаш учун барча имкониятларни яратиб бермоқда: кино, театр, музей, виставкалар, радио ва телевидение — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг маънавий маданиятини оширишга қаратилган. Санъат ходимларининг катта армияси муассаса ва корхоналарда, кутубхоналар ва бошқа шу каби жойларда лекция-концертлар, музика кечалари ўтказмоқдалар, тасвирий санъат асарларининг кўчма виставкасини уюштирмоқдалар. Бу жиҳатдан маданият университетлари, халқ театрлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Матлуба ИЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ МАКТАБЛАРИ ЎҚИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

АХЛОҚ КОДЕКСИ АМАЛДА

Коммунизм кишисини тарбиялаш идеология ишининг асосий мазмунидир. КПСС XXII съездида қабул қилинган Программада бу алоҳида қайд қилинган ва ахлоқ кодексида ўз ифодасини топган.

Заводимиз партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият бермоқдалар. Биз идеология фронтининг ҳамма соҳаларидан самарали фойдаланяпмиз.

Бу йил заводимизда ташкил этилган сиёсий ўқиш тўгараклари, мактаблар ва семинарларга 1802 киши жалб этилган. Ҳар жума куни 106 пропагандист сиёсий тўгаракларда машғулот ўтказиб турибди. Янги ўқув йилида 18 та коммунистик меҳнат мактаблари ташкил этилди. Партия сиёсий ўқувидаги бу янгилик коммунизм кишисини тарбиялаш ишимизда жуда қўл келяпти. 700 дан ортиқ ишчи ва хизматчи кечки ёшлар мактабларида, техникум ҳамда олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таҳсил кўраяпти. Бу азаматларнинг аксарияти ишлаб чиқариш илғорларидир.

Темирчилик-пресс цехининг мастери А. Қосимов ана шундай меҳнатсеварларнинг бири. У заводга еттн йиллик маълумот билан келди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, етуклик аттестати олди. Яқинда кечки марксизм-ленинизм университетини ҳам тамомлаб чиқди. Ҳозир А. Қосимов техникумда ўқияпти. Завод партия ташкилоти бу сергайрат йигитни партия сафига қабул қилди. У ўқишга ҳам, жамоат ишларига ҳам вақт топади. Ишда, ўқишда, шахсий ва ижтимоий ҳаётда барчага ўрнак бўлаётган бундай йигитларни кўриб қувонасан киши.

Ҳар йили мингга яқин ишчи турли курсларда ўз малакасини оширмоқда. Мабодо 15-цехга кириб қолгудек бўлсангиз, социалистик мажбуриятлар шарти ёзиб қўйилган стендга дарҳол кўзингиз тушади. Унда ишлаб чиқариш топшириқлари билан бир қаторда шахсий ва ижтимоий ҳаётда киши ўзини қандай тутиши кераклиги ҳам ёзиб қўйилган. Цехнинг В. Мельников, А. Койка ва Н. Грачев бошлиқ бригадалари аъзолари ана шу сифатларнинг ҳаммасини ўзларида мужассамлаштиришган. Улар коммунистчасига ишлаш ва яшашнинг ҳақиқий тимсолларидир.

Заводимизда 300 бригада ана шундай олий мақсад йўлида курашмоқда. 1200 киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш иштиёқида ҳормай-толмай ишламоқда. Коммунистик меҳнат учун олиб борилаётган кураш кишиларимизнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширяётир.

Ишчи ва инженер-техник ходимларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашда 72 кишидан ташкил топган «Билим» жамиятининг бўлими муҳим ўрин тутади. Жамият аъзолари ҳафтасига икки марта цех ишчиларн учун лекция ва суҳбатлар ўтказиб турибди. Ҳар ҳафтада уч марта қисқа метражли кинофильмлар кўрсатиляпти.

Заводда ташкил этилган халқ университетининг беш факультетида 700 га яқин киши маънавий ва эстетик талабларини қондирмоқда.

Илгарилари ишчилар билан сиёсий-тарбиявий ишлар фақат заводдагина олиб борилар эди. Кейинги йилларда ишчи-ёшларнинг шахсий ҳаёти билан ҳам қизиқа бошладик. Токи улар фақат корхонадагина эмас, балки кўчақўйда ва оилаларида ҳам коммунистчасига яшаш намунасини кўрсатсинлар. Ана шу мақсадда завод ҳузуридаги ётоқхонада тарбиявий ишларни йўлга қўйишга киришдик. Бу ётоқхонада 800 дан ортиқ ишчи-ёшлар ва қизлар туради. Етоқхонанинг қизил бурчагида телевизор кўриш, шахмат-шашка ўйнаш ва лекция ҳамда суҳбатлар эшитиш мумкин. Яқинда ётоқхонадаги қизлар қизил бурчакка тўпланиб «Қизлар хулқи қандай бўлиши керак»лиги ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказишди. Суҳбат жуда жонли ўтди. Айниқса «Коммунизм кишиси қандай бўлиши керак», «Ўртоқлик нима» каби темаларда ўтказилган суҳбатлар ёшларга жуда манзур бўлди.

Албатта, ҳамма ёшларимиз ҳам яхши хулқа эга эмас. Гоҳо маош текканда ичиб ишга кеч келадиганлари ҳам топилиб турадн. Бундай тарбияси бўш кишилар учун ўртоқлик судлари чора кўрмоқда. Ўртоқлик судлари йўлдан озаётган айрим ёшларни ўз вақтида ҳушига келтириб турибди. Яқинда 2-цех ўртоқлик суди Валерий Куличковнинг ахлоқини муҳокама қилди. Ўртоқларнинг ҳақли, лекин аччиқ таъналари Валерийга қор қилди. У хулқини яхшилашга ваъда берди. Ҳозир Валерий ҳунук қилиқларини ташлаган.

Корхонада ташкил этилган партия-давлат контролига кўмаклашув группа ва постлари, «Комсомол прожектори» коллектив ишидаги ва манъавий ҳаётидаги камчилик ва нуқсонларни аёвсиз фош қилиб, уларни тўғри йўлга солиб турибди.

Кечқурунлари ишчи-ёшлар ўз вақтларини яхши жиҳозланган завод клубида ўтказадилар. Ким кино томоша қилади, ким янги газета ва журнал ўқийди. Бадний ҳаваскорлик тўгарагининг 225 кишидан ортиқ коллективи янги спектакллар, концертлар тайёрлайди. Ишчилар бадний ҳаваскорлик тўгараги томошаларини мириқиб кўрадилар. Клубда республиканинг атоқли олимлари, артистлари, музикашунослари билан учрашувлар ўтказиб турилади.

Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси совет кишисини ҳар томонлама гармоник ривожланишини кўзда тутади. Коммунизм кишиси ахлоқий жиҳатдан юксак бўлиши билан бирга жисмоний жиҳатдан ҳам бақувват, соғлом бўлиши керак. Завод спорт тўгаракларида ва секцияларида 2500 дан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходимлар ўзларини жисмоний жиҳатдан мукаммаллаштириш билан машғул. Ўтган йилнинг ўзида тўгарак ва секцияларда 713 разрядли спортчи тайёрланди. Цехларда ишлаб чиқариш гимнастикаси мунтазам ўтказиб турилибди.

Ўтказилаётган барча тарбиявий ва сиёсий ишларимиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларида намоён бўлмоқда. Заводимиз ўтган йили 7101 пахта териш машинаси тайёрлаб, давлат планларини 101,1 процент қилиб адо этди. Шу йилнинг икки ойлик плани ҳам ортиғи билан адо этилди. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларидан илҳомланган коллективимиз пахтакор деҳқонлар ихтиёрига бу йил 7425 дона «ХТ-1,2» маркали осма пахта териш машинаси юборишга аҳд қилдилар. Бундан ташқари кўплаб қуйилмалар ва бошқа қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари учун запас қисмлар тайёрлаб бериш мажбурияти олинди.

Ҳали олдимизда катта-катта вазифалар турибди. Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган «оқ олтин»нинг кўп қисми қўлда териляпти. Биз ана шу пахтакор дўстларимизнинг қўл меҳнатини машина меҳнати билан алмаштириш учун такомиллашган машина ва агрегатларни кўплаб ишлаб чиқаришимиз керак. Коллективимизнинг маънавий жиҳатдан бирлиги олдимиздаги мураккаб вазифаларни ҳал қилишга тўла имкон беради.

С. РУДЮК,
завод партия комитетининг секретари.

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ УЧУН КУРАШДА ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТОБОРА КУЧЛИ ФАКТОРГА АЙЛАНМОҚДА. ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ОНГЛИЛИГИ ҚАНЧА ЮҚОРИ БЎЛСА, УЛАРНИНГ КОММУНИЗМ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯРАТИШДАГИ, КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ФОРМАЛАРИНИ ВА КИШИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЯНГИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИЖОДИЙ АКТИВЛИГИ ШУНЧА ТЎЛА ВА КЕНГ РИВОЖЛАНАДИ ВА БИНОБАРИН, КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВАЗИФАЛАРИ ШУНЧА ТЕЗ ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ.

(КПСС ПРОГРАММАСИДАН)

ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Кексайиб қолдим. Пенсияга чиқишимга ҳам озгина вақт қолди. Лекин қадрдон коллективим, севимли касбимдан ажралгим келмайди. Ишдан бўш вақтларимда газета ва журнал ўқиш одатим. Цехимизда ташкил этилган коммунистик меҳнат тўгарагининг тингловчисиман. Тўгарак машғулотлари ойнга 2 мармашғулот ўтказиш лозим. Чунки коммунистик меҳнат мактаби машғулот ўтказиш лозим. Чунки коммунистик меҳнат мактаби кундалик меҳнатимиз ва ҳаётимиз билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Фикримча янги ўқув йилида бундай тўгаракларни кўплаб тузиш ва унга ёшларни кенг жалб этиш керак. Программага кўпроқ ёшлар тарбиясига оид темалар киритилиши айни муддао. Машғулотларда совет кишисининг маънавий қиёфаси, меҳнат маданияти, саноат эстетикасига оид материаллар ўтилса, чакки бўлмасди. Бу типдаги тўгараклар ҳақиқатан ҳам коммунистик тарбия ўчоғи бўлади. ёшларда келажак кишисига хос фазилатларни мужассамлаштиришга катта ёрдам беради.

Я. ЛОНШЧАКОВ,
2-цех ишчиси, тўгарак тингловчиси.



Ўртоқ Я. ЛОНШЧАКОВ.

Ўртоқ А. МАКОВСКИЙ.

КЎП НАРСА ЎРГАНЯПМИЗ

Партия сиёсий маорифи шохобчаларида машғулотлар бошланиши олдидан тингловчилар билан ўтказилган суҳбатда қайси группага ёзилишимни билмай иккиланиб юрдим. Қани энди иложи бўлсаю, ҳаммасининг машғулотларида иштирок этсанг. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Уларнинг биттасини танлашинг керак. Шунинг учун ҳам коммунистик меҳнат мактабини танладим. У партия маорифининг янги формаси сифатида катта қизиқиш уйготди. Ахир мен коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олиш учун курашяпманда.

Хато қилмаган эканман. Мактаб бизга кўп нарсалар ўргатаётир. Олий мақсад йўлида олиб бораётган курашимизда жуда қўл келяпти.

Машғулотларимиз ғоят қизиқарли ўтади. Айниқса «Коммунизм кишиси қандай бўлиши керак», «Коммунизмда меҳнат» деган темаларда олиб борилган суҳбатлар мароқли бўлди.

Бундай мактаблар ишини янада яхшилаш, ўтказилган машғулотларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган битта мулоҳазам бор. Шуни айтиб ўтмоқчиман. Ўтилган темалардан олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш учун қўшни корхоналар, музейлар, виставкаларга бот-бот экскурсия ташкил қилинса ёмон бўлмас эди. Чунки эшитганларимизни ўз кўзимиз билан кўрсак янада кўпроқ нарса ўрганамиз.

А. МАКОВСКИЙ,
тўгарак тингловчиси, асбобсозлик цехининг токари.

ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАР

Аввало янгиликнинг туғилиши қийин бўлади. У туғилгач йўлидаги тўсиқларни парчалаб, албатта тантана қилади. Бизда ҳам шундай бўлди, эскиликка анча-мунча қўникиб қолган кишилар: ўзимиздаги мавжуд ўқув формалари ҳам етарли-ку, дейишди. Корхонамиз коммунистлари бу фикрга қўшилмадилар. Чунки коммунистлар янгилик яратувчи ва унга йўлдош бўладиган кишилардир. Шунинг учун ҳам партия мажлисида коммунистларимиз бир овоздан коммунистик меҳнат мактаблари тузиш ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватладилар.

Цех ва бўлимлардаги мавжуд бошланғич экономикани ўрганиш тўгараклари базасида коммунистик меҳнат мактаблари ташкил этилди. Корхона бўйича 18 та мактаб тезда цехларда иш бошлаб юборди. Улар ишини координациялаш бўйича методик кенгаш ҳузурида беш кишилик махсус секция тузилди. Секциянинг биринчи навбатдаги вазифаси мактабларнинг ўқув программасини тузиб чиқишдан иборат бўлди. Бу муаммони ҳал этишга сиёсий маориф кабинети, методик совет ҳам бош қўшди. Ниҳоят ҳар томонлама, чуқур фикрлашиб, икки йиллик программа тузилди. Программа ижтимоий масалалар ва коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси, конкрет экономика асоси, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари тажрибасини ўрганиш ва ишчилар малакасини оширишдан иборат тўрт қисмни ташкил этди.

Пропагандистлар программа ва кундалик план билан таъминландилар. Мураккаб темаларда ўқиладиган лекция ва суҳбатлар мактабларнинг қўшма машғулотларида ўтказилди. Шундай биринчи машғулотни пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси конструктори ўртоқ М. Марков ўтказди. У корхонамиз ишчиларига; инженер-техник ходимларига пахта териш машинасининг яратилиш тарихи ва уни такомиллаштириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди. КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларига бағишланган машғулотимиз ҳам жуда қизиқарли ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев шу Пленумда кўтарилган масалалар ва корхона меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида мазмунли суҳбат ўтказди.

Партия ташкилотлари, цех раҳбарлари мактаб ўқув ишларига бош-қош бўлаётган жойларда иш намунали йўлга қўйилган.

— Бир куни брак деталлар ҳам қабул қилинаётганлигини сезиб қолдик, — дейди техника контроли бўлимида ташкил этилган коммунистик меҳнат мактаби раҳбари Э. Гензе. — Дарҳол тингловчилар билан маслаҳатлашиб «Бракнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш» деган темада машғулот ўтказдик. Бу контролёрларга катта ёрдам берди.

Х. Бобоев, В. Иванов, С. Носовец каби тажрибали пропагандистлар 2,15, 27-цехлардаги мактабларда намунали машғулотлар ўтказмоқдалар.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, айрим цехлардаги мактаблар ҳамон ўзларини ўнглаб олаётганларича йўқ. Котов ва Ермошин ўртоқлар пропагандистлик қилаётган 1 ва 10-цехлардаги мактабларда машғулотлар кўпинча мунтазам олиб борилмайди. Тингловчилар тўла жалб этилмайди. Бундай камчиликлар кўп бўлмаса-да, ҳарҳолда бор. Биз шуни ҳисобга олиб, март ойининг бошларида коммунистик меҳнат мактаблари раҳбарлари учун ишлаб чиқариш билими бўйича очиқ дарс ташкил этдик.

Янгилик қанот қоқмоқда. Дастлабки якунлар, дастлабки ютуқлар чакки эмас. Лекин олдимизда ҳали улкан вазифалар турибди. Бизнинг мактабларимиз ўз тингловчиларига коммунистик онг бағишлаши, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга чорлаши, коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялаши лозим.

А. САМСОНОВ,
завод сиёсий маориф кабинетининг мудири.

ЯНГИЛИК ЕНГАДИ

Бу сиёсий-маориф ўқув йилида заводимизда 18 та коммунистик меҳнат мактаби ташкил этилди. Завод партия комитети ана шу мактабларнинг бирига мени пропагандист қилиб тайинлади. Зиммамга нечоғлик масъулиятли вазифа юкланганини яхши сезардим.

Вазифанинг мураккаблиги шунда эдики, коммунистик меҳнат мактаблари янги ташкил этилган сиёсий-маориф тўгараги бўлиб, машғулотларнинг программаси темаларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб турарди. Бу эса пропагандистдан кўп нарсани билишни талаб этади. Мактаб программасига сиёсий, иқтисодий темалардаги машғулотлар билан бир қаторда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва илғор иш методларини жорий қилиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш каби хилма-хил темалар киритилган.

Табиийки, мен барча темалар юзасидан ҳам малакали, сермазмун машғулот ўтказа олмайман. Шунинг учун ҳам машғулотларга кўпроқ мутахассисларни жалб этабошладим. Масалан, «Металл қирқиш асбоблаини термик ишлаш» деган темада машғулот ўтказишни термик цех мастери ўртоқ И. Приходькодан илтимос қилдим. Ўртоқ Приходько илтимосимни бажонидил ado этиб, қизиқарли машғулот ўтказди. Цехимиз рационализаторлар группасининг раҳбари, старший технолог ўртоқ В. Баришников «Иш жойини қандай ташкил этиш керак» деган темада мазмунли суҳбат ўтказди. У ҳар бир иш жойида яхши тартиб жорий қилинганда иш унумли бўлишинг конкрет рақамларда кўрсатиб берди. Иш ўрнини ёмон ташкил қилиш, иш вақтидаги носаранжомлик қандай оқибатларга олиб келишини айтди.

Машғулотларимизда тингловчиларнинг ўзлари ҳам сўзга чиқиб туришади. Гоҳо эса улар томонидан ўртага ташланган бирор муҳим проблема мутахассислар иштирокида муҳокама қилиниб, охирига етказилади. Машғулотларнинг бирида тўгарак тингловчиси ўртоқ А. Иброев рационализаторлик таклифларининг иқтисодий самарасини қандай ҳисоблаш лозимлигини, билишга қизиқишини айтди. Маълум бўлишича ўртоқ Иброев технология процессини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклифни кўпдан бери ўйлаб юрган-у, унинг берадиган самарасини ҳисоблайолмай қийналаётган экан.

Тингловчилар билан келишиб навбатдаги машғулотни ана шу темага бағишладик. Завод рационализаторлик ва ихтирочилик бюросининг аъзолари бу масалада бизга катта ёрдам беришди. Ўтказилган машғулот цехда рационализаторлар сафининг кенгайишида муҳим роль ўйнади. Қисқа вақт ичида цехимиз бўйича ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштиришга қаратилган ўнлаб рационализаторлик таклифлари тушди. Ҳозир цехимиздаги ҳар бир ишчи рационализаторлик таклифларининг иқтисодий самарасини бемалол ҳисоблай олади.

«Контроль-ўлчов асбоблари ва улардан фойдаланиш» темасида ўтказилган машғулотимиз тингловчиларни жуда қизиқтирди. Машғулотдан кузатилган мақсад цехимизда контроль-ўлчов асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ҳосил бўлаётган бракни бартараф қилиш эди. Дарсда турли плакат ва графиклар намойиш қилинди. Машғулот охирида цехнинг тажрибали ишчиларидан Мирошниченко ва Изральсон ўртоқлар бевосита станоклар ёнида туриб, контроль-ўлчов асбобларини ишлатиб кўрсатдилар. Уз иш услублари ҳақида сўзлаб бердилар.

Шубҳа йўқки, коммунистик меҳнат мактабларининг истиқболи порлоқ. Бундай мактаблар тингловчиларнинг хилма-хил талабларига жуда мос. Мен раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат мактаби тўгарагида 14 киши қатнашади. Уларнинг маълумоти ва малакаси ҳар хил. Бири токарь, бири фрезерчи яна бири эса слесарь. Бу ўртоқларнинг ҳаммасини баравар қизиқтирадиган масалалар устида бахс юритилса, машғулотлар жонли ўтар экан. Ҳозирча ўтказилаётган машғулотлар тингловчиларнинг талабларига жавоб бермоқда. Бу эса коммунистик меҳнат мактабларининг сиёсий маориф шохобчаларидаги энг прогрессив формадаги ўқув эканидан далолат бериб турибди.

Коммунистик меҳнат мактаблари программасини тузишда кенг ишчилар, инженер-техник ходимлар ва барча коммунистлар билан бевосита фикрлашиб олганимизнинг қизиқарли бўлишида катта роль ўйнамоқда. Шунингдек машғулотлар давомида программага қаттиқ ёпишиб олмай, унга ижодий ёндошмоқдамиз. Бунда тингловчиларнинг талаб ва истаклари ҳисобга олинмоқда.

Завод партия маорифи кабинети ва методик совет ходимлари ишимизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар машғулотларимизда тез-тез қатнашиб туришади. Камчилик ва нуқсонларимизни кўрсатиб, йўлланма беришади.

Ўтказилаётган машғулотлар тингловчиларнинг сиёсий билимлари, иш малакаларини оширяпти. Цехимизда давлат планлари муттасил ортиғи билан бажарилаётган экан, бунда кишиларимизнинг меҳнатга бўлган онгли муносабатлари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Коммунистик меҳнат мактаблари янгиликдир. Ҳар қандай янгилик дастлабки вақтларда айрим камчиликлардан - холи бўлмайди. Олиб бораётган машғулотларимизда ва программамизда бирмунча камчиликлар бор. Биз ҳамма вақт ўз ишимизга танқидий назар билан қараймиз, уларни бартараф қилиб борамиз.

С. НОСОВЕЦ,
27-цех мастери, коммунистик меҳнат мактаби раҳбари.

Ўртоқ С. НОСОВЕЦ.

Бу саҳифани редакциянинг илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлимиҳ уюштирган.

Бу галги машғулот ҳар қачонгидан ҳам жонли ва қизиқарли ўтди. Машғулот давомида кўплаб савол-жавоблар бўлди. Чунки машғулотда КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорлари ва завод коллективи олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Пропагандист ўртоқ А. Самсонов қишлоқ хўжалигини интенсивлашда механизациянинг роли, Ўрта Осиё иқтисодий районининг пахтачиликни ривожлантириш йўлидаги истиқболлари ҳақида батафсил гапириб берди. Суратда: пропагандист ўртоқ А. Самсонов машғулот ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

★ Бу йил «Ташсельмаш» заводи партия сиёсий-маорифи шохобчаларида 106 тўгарак ишлаб турибди. Шулардан 18 таси коммунистик меҳнат мактаблари, 20 таси конкрет экономикани ўрганиш тўгаракларидир.

★ Партия сиёсий-маорифи тўгаракларининг машғулотларига 1802 киши жалб этилган.

✦ Завод партия сиёсий-маорифи кабинетида ўтказилаётган семинарларда 106 пропагандист қатнашмоқда.

✦ 700 дан ортиқ ишчи-ёшлар кечки мактабларда, техникумлар ва олий ўқув юртларида сиртдан ўқишмоқда.

★ Ҳар йили 1000 ишчи ҳар турли ишлаб чиқариш курсларида ўз малакаларини оширадилар.

★ Завод «Билим» жамиятининг 72 лектори цехларда, бригадаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турибди.

★ Партия сиёсий-маориф кабинети ҳузурида ташкил этилган халқ университетининг бешта факультети бўлиб, уларда 700 ишчи билимларини оширмоқда.

★ Завод кинолекторийсида ҳафтасига уч марта қисқа метражли кинофильмлар намойиш қилинаётир.

★ Заводда ташкил этилган бадний ҳаваскорлик тўгаракларида 225 ҳаваскор ўз маҳоратларини такомиллаштириш билан машғул.

★ Корхона спорт тўгараклари ва секцияларида 2509 ишчи мунтазам қатнашмоқда. 1962—1963 йиллар ичида 713 разрядчи-спортчи тайёрланди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

В. И. ЛЕНИН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

ВАРШАВА. Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 94 йиллиги яқинлашиб қолганлиги муносабати билан Белостондаги революция музейида В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар виставнаси очилди. Виставкага, жумладан, ёш Совет ҳокимияти чиқарган дастлабки декретларнинг фотонусхалари, Ленининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси тарихий кунларида олинган фотосуратлари қўйилган.

ГДР КОНЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги кўларда кўмир чиқариладиган очиқ конларнинг ишчилари йил бошидан буён планда кўзда тутилганидан 1,6 миллион тонна кўп кўмир қазиб чиқардилар.

Галле округи кўмир конларининг коллективлари олдинда бормоқда.

РУМИНИЯДА КЎКЛАМГИ ЭКИШ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг жанубий районларида эртаги баҳори экинлар экишга киришилди. Давлат хўжаликларининг ўзигина шу ҳафта бошидан буён 12 минг гектар майдонга асосан дуккакли экинлар экди. Айни вақтда кузги экинларни бороналаш ва озиқлантириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Дастлабки бир неча юз гектар майдонга эртаги картошка экилди. Дала ишлари кун сайин шимолга қараб ёйилмоқда.

ВЕНГРИЯ ДАЛАЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгрияда баҳорнинг илиқ кунлари бошланди. Кооперативлар ва давлат хўжаликлари машиналар ремонтини тугалламоқдалар. Ўтган йилдагига нисбатан кузги экинлар анча кўп майдонга экилган эди. Бу экинлар қиш совуғидан чиқди.

Бу йил республика қишлоқ хўжалиги 9 мингта янги трактор, 3 минг 200 та комбайн, 2500 та пурнагич машина олади. Совет Иттифоқидан 210 та трактор келтирилди. Бу тракторлардан кўкламги дала ишларида фойдаланилади.

САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

ПРАГА. Чехословакия Миллат мажлиси, Словакия Миллат кенгашига ва республика давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига бўлажак сайловларга тайёргарлининг иккинчи босқичи бошланди. Бу сайловлар шу йил 14 июнда ўтказилади. Меҳнаткашларнинг шу даврда ўтказиладиган оммавий йиғилишларида ҳамма босқичдаги сайлов органлари депутатлигига номзодлар кўрсатилади ва муҳокама қилинади. Чехословакия меҳнаткашлари депутатликка ўзларининг энг яхши вакилларини кўрсатмоқдалар.

Сайловларга тайёргарлик снёсий ва ишлаб чиқариш активлиги ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

ҚОҲИРА, 26 март. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг 1962 йилда тузилган президентлик кенгаши Бирлашган Араб Республикасининг кечаги кундан эътиборан кучга кирган янги муваққат конституциясига мувофиқ тугатилди. Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир қуйидаги тўрт кишини: маршал Абдул Ҳаким Амирни (биринчи вице-президент), Закария Муҳиддинни, Хусайн Ашшафийни ва Ҳасан Иброҳимни вице-президентлар қилиб тайинлади.

АФИНАЛИК БОЛА МОСКВАГА КЕЛЯПТИ

БУДАПЕШТ, 26 март. (ТАСС). Кеча Ферихедь аэродромида Будапешт пионерлари II яшар афиналик Кристос Савиносни гулдасталар билан кутиб олишди. Бола бу ердан Москвага боради, Москвада уни совет врачлари кутишаяпти.

Кристос Савинос оғир дардга учраган — унинг юраги унча яхши ишламайди. Кристоснинг акаси ишлаб топаётган арзимаган моянага беш ўғил ва қиз, хаста отаси ва онаси тирикчилик қилиб келишади. Боланинг соғайишига оилада умидни узиб қўйишган — ҳар гал юрак ўйноғи тутганда унинг аҳволи тобора оғирлашаберади. Врачлар ҳам ундан умидни узиб қўйишган, чет эллардаги медиклар уни даволашга унашмади. Шундан кейин Кристоснинг хаста отаси Н. С. Хрушчев номига хат ёзди. Ҳа демай Москвадан жавоб келди — совет врачлари болани бепул даволашга ва зарур бўлиб қолса юрагини операция қилишга ваъда беришмоқда. Оиланинг йўл кирага тўлайдиган пули йўқ эди. Венгрия ҳаво транспорт корхонаси МАЛЕВга қарашли самолёт Кристос Савинос билан унинг онасини Будапештга бепул олиб келди. Бу ердан улар совет Аэрофлоти самолётида Москвага жўнашади.

БИРЛИК МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРАДИ

ПАРИЖ, 27 март. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кеча ўз ишини тамомлаган пленумида Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Морис Торез нутқ сўзлаб, Франциядаги кейинги кантон сайловлари ишчилар билан демократик кучларнинг бирлиги ривож топганлигини, республикачилар кенг равишда яқинлашганлигини, бунинг натижасида шахсий ҳокимият ва реакция номзодлари маглубиятга учратилганлигини кўрсатди, деди. Битимга келиш мумкин ва бундай битим самарали бўлиши яққол кўринди. Сайловларнинг иккинчи даврасида сайловчи коммунистлар социалист номзодларни ёки турли оқимлардаги республикачи номзодларни ёқлаб овоз бердилар, социалист сайловчилар ва республикачиларнинг ўзлари эса, бирлик номзодлари бўлиб қолган Компартия номзодларини ёқлаб овоз бердилар. Сайловларда яққол кўринган жипслик бутун ишчилар ва демократик ҳаракатга яхши натижалар берди. Бу жипслик битимларда қатнашган ҳамма партияларнинг аҳволини анча яхшилади.

Сайловларда қатнашган эркак ва аёл французларнинг тўртдан бир қисми, деди М. Торез, Коммунистик партияга ишонч билдирдилар. Улар Коммунистик партиянинг миллий манфаатларни ифодаловчи демократик сиёсатини, барча меҳнаткашларнинг энг зарур манфаатлари учун кураш сиёсатини маъқулладилар. Коммунистик партия сайловлардан сўнг тагин ҳам бақувват бўлиб қолди, унинг обрўси ошди.

Шу билан бирга, М. Торез яна бундай деди: Кантон сайловларида ишчи ва демократик кучлар эришган галабалар шахсий ҳокимият режимига чек қўйиш учун ҳали жуда катта куч сарфлаш ва кўпгина қийинчиликларни енгиш кераклигини назардан қочирмаслиги лозим. Биз, деди у, демократлар иттифоқини вужудга келтириш учун, барча меҳнаткашларнинг, республикачиларнинг манфаатлари йўлида, Франция манфаатлари йўлида демократларнинг ҳамма соҳаларда биргаликда ҳаракат қилиши учун курашни кучайтиришимиз лозим.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ҚЎШИНЛАРИ КИПРДА

НИКОЗИЯ, 26 март. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларининг Кипрга келиши давом этмоқда. Шу кунгача Канададан 948 солдат ва офицер келди. Булар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кипрдаги бирлашган қуролли қучлари составига киради. Бугун Финляндия офицерларининг биринчи группаси келиши кутилмоқда. Швеция ва Ирландиядан биринчи группалар эртага келиши керак. Швеция, Финляндия, Ирландия қўшинларининг асосий қисмлари 10—15 кундан кейин келади.

ВЕНГЕР ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

4 апрелда Венгриянинг фашист босқинчиларидан озод қилинганлигига 19 йил тўлади. Қардош социалистик мамлакатнинг миллий байрами муносабати билан пойтахтимизда венгер кинофильмлари ҳафталиги ўтказилади.

Кинотеатрлар репертуарига 30 мартдан 6 апрелгача Венгрия киностудияларида ишлаб чиқарилган фильмлар киритилади. Улар орасида кино қисса ҳам, драма ҳам, ҳамма севган комедиялар ҳам бор. Томошабинлар кинотеатрларда иккита янги фильмни кўрадилар. Улардан бири «Хотин кетган вақтда» кино қиссаси бўлиб у ўтган йили Канн фестивалида Венгрия киносанъати ютуғи сифатида намойиш қилинган. Бу картина ҳозирги замоннинг мураккаб аҳлоқий масалаларига бағишланган. Иккинчи янги фильм — «Ялангоч дипломат» кинокомедияси эса Жанубий денгизларнинг биридаги оролда юз берган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Венгрия кинематографлари ленталари пойтахтимиз кинотеатрларига олиб келинмоқда.

А. ГОРОШИН.

Суратда: «Ялангоч дипломат» кинокомедиясидан кадр.

РЕПРОДУКТОР УЧ ПРОГРАММАДА ИШЛАЙДИ

Ўзингизга маълумки, Тошкент шаҳар радиоузели радиотрансляцион тармоқлар бўйича уч программада эшиттиришлар олиб боради. Репродуктор орқали ҳам ана шу уччала программа эшиттиришларини тинглаш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бунинг учун радио точкалари ёнига қўшимча маслама ўрнатилса бас, репродуктор истаган программада ишлайверади.

Репродукторнинг уч программада ишлашини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар радиоузели яхши тадбирни амалга оширди. Радиоточкаларга эга бўлган хонадонларга «ПТВ-61» типидаги қўшимча аппарат-мосламалар сотила бошланди. Бу аппарат-масламалар Ригада тайёрланган.

Радиоточкаларга эга бўлган шаҳардаги кўпгина хонадонлар ҳозир бу қулайликдан баҳраманд бўляпти.

А. АБДУВАЛИЕВ.

СПОРТ

АРАНГ ИЛИНИБ ҚОЛИШДИ

Ўзбекистон баскетболчилари ҳақида гап борар экан, энг аввало «Таштекстильмаш» заводи қизларини беихтиёр тилга оласиз. Бу бежиз эмас, албатта. Завод баскетболчилари сўнгги йилларда чиройли ўйин намойиш қилиб, ўз мухлисларини гоят мамнун этмоқда. Бу йил ҳам баскетболчи қизларимиз учрашувларини юқори савияда ўтказиб ҳозирча фахрли тўртинчи ўринни эгаллаб турипти.

Хўш, баскетболчи йигитларимиз ҳам ўзларига билдирилган ишончни оқлаяптиларми? Йўқ. Улар финал группага кириш у ёқда турсин, ҳатто 13—24 ўринлар учун бўлган учрашувларда ҳам бирор иш кўрсатолмадилар.

Баскетболчиларимизга ишқибозларнинг руҳий мададлари ҳам, спортчилар таъбири билан айтганда «ўз деворлари» ҳам ёрдам бермади.

Тўғри, ҳамшаҳарларимиз Вильнюснинг «Пластикас» командасини маглубиятга учратиб стартни муваффақиятли бошладилар. Бироқ кейинги учрашувларда ҳам тактик, ҳам техник жиҳатдан рақибларидан ожиз эканликлари сезилиб қолди. Командамиз составида бирорта баскетболчи, ўйин давомида ташаббусни ўз қўлига олишга журъат эта олмасди. Командамиз ўюшган ансамбль сифатида ўйнай олмаётир, ҳаркимнинг яккаяккага зарба беришга уринишни муваффақият қозонишга путур етказмоқда.

А. Шчукин, В. Дорошков, А. Турдиев, Р. Ицков, В. Кириллов А. Дроздов, В. Чурсин ва бошқаларни энг кучлилар группаси — «А» классига муносиб ўйинчилар деб бўлмайди. Улар ҳали ўз устларида жуда кўп ишлаб изланишлари керак.

Турнир бошланишидан то охиригача Тошкентнинг Армия спорт клуби командаси хавфли зонадан чиқишга ҳаракат қилди. Охирги икки ўринни олган команда келаси йил «А» классида ўйнаш ҳуқуқидан маҳрум бўларди. Ким ҳам бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлишни истайди дейсиз? Шунинг учун ҳам «Инждорстрой» (Кишинев), «Тожикистон» (Душанба) ва Армия спорт клуби (Тошкент) командалари ўртасида кескин кураш борди.

Тошкентлик баскетболчилар асосий рақиблари «Инждорстрой» командасини 42:39 ҳисобида маглубиятга учратиб 6 очко тўпладилар ва «А» классида қолдилар.

Команда тренери Ўртоқ А. П. Кириллов бу йилги сабоқлардан тегишли хулоса чиқариши ва навбатдаги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши керак. Ўзбекистон баскетбол федерацияси ҳам команда тақдири билан қизиқса, ўйинчиларнинг ҳатти-ҳаракатини қатъий контроль қилиб борса ёмон бўлмасди.

Пойтахтимизнинг Армия спорт клуби залида бир ҳафта давом этган баскетболчилар чемпионати тугади. «Локомотив» (Олмаота) ва «Уралмаш» (Свердловск) командалари келаси йил финал группада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. «Инждорстрой» (Кишинев) ва «Тожикистон» (Душанба) командалари эса кучлилар группасидан чиқиб кетдилар.

Москванинг ЦСКА баскетболчилари бешинчи марта СССР чемпиони деган фахрли номни қўлга киритдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ФИНАЛГА ЧИҚДИЛАР

Днепропетровск шаҳрида юз катали шашка бўйича ўтказилган мамлакат ярим финал мусобақалари тугади. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган спорт мастери С. Давидов, С. Гуляев ва мастерликка кандидат Т. Қосимовлар турнирни муваффақиятли ўтказдилар. Улар мамлакатимизнинг энг кучли юзга яқин шашкачилари билан беллашдилар. Бу ўринда айниқса, самарқандлик 16 ёшли Т. Қосимовнинг ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Т. Қосимов яқиндагина ўтказилган республика финал мусобақаларида ўзининг ажойиб комбинациялари билан ишқибозларни мамнун қилган эди.

15 иттифоқчи республика, Москва ҳамда Ленинграднинг кучли шашкачилари турнирида ғолиб чиққан 18 та спортчилар орасида С. Гуляев, С. Давидов ва Т. Қосимовлар ҳам бор. Улар СССР биринчилигининг финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

СЎНГГИ РЕПЕТИЦИЯ

Кеча «Пахтакор» командаси мавсум олдидан ўзининг сўнгги контрол учрашувини ўтказди. Тошкентлиларнинг бу галги рақиби иккинчи эшелонда қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтянник» командаси бўлди.

Учрашув 3:3 ҳисоби билан дуранг бўлди.

Бугун стадионнинг ям-яшил майдонига «Шахтёр» (Донецк) ва «Торпедо» (Москва) командалари тушадилар. Улар мамлакат XXVI чемпионатининг биринчи матчини ўтказадилар.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ОЛИЖАНОБЛИК

Ҳар куни бу ерга ўнлаб кишилар мурожаат қиладилар. Қийин, аммо шарафли иш билан шуғулланаётган бу даргоҳ «Топилмалар столи» номи билан шаҳар аҳолисига маълум.

...Кечки пайт. Кўча ҳаракати сийраклашган. «Узкультторг»га қарашли юк ташиш машинаси Лохутнй кўчасидан шиддат билан елиб бормоқда. Тўсатдан кўчанинг бурилиш жойида машина кузовидан катта яшик тушиб қолди. Шофер Б. Хаимов буни сезмади. Ў базага юкни олиб келганда битта яшик етишмасди. Фактура бўйича яшикда бир неча юз сўмлик буюмлар бор экан. Б. Хаимов энди бу молларнинг тўловига қолган эди.

Тўсатдан топилмалар столидан телефон қилиб қолишди. Б. Хаимов бу ерга етиб келганида унга яшикни топширдилар. Яшикни топилмалар столига Собир Раҳимов кўчасида яшовчи Г. Титов олиб келган экан.

Яқинда Свердлов кўчасида яшовчи Г. Нежинская бир неча юз сўм пул, 163-мактабнинг 9-синф ўқувчиси В. Рагулин эса Олой бозоридан сирдарёлик М. Тоировнинг ҳужжатларини топиб бу ерга топширганлар.

Ш. ФОЗИЛОВ.

СУҲБАТЛИ КОНЦЕРТ

Қуйбишев районидаги 99-мактабда «Куй ва қўшиқларимиз янграйверсин» деган темада суҳбатли концерт-кеча бўлиб ўтди. Кечада музикашунос Илёс Акбаров ўзбек миллий асбобларининг келиб чиқиши ва унинг қайта ихтиро қилиниши тўғрисида суҳбат ўтказди.

Суҳбатдан сўнг мактабга тўпланган ота-оналар, болалар, шу атроф маҳалла аҳолиси учун катта программада концерт қўйиб берилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Саид Алиев раҳбарлигидаги ўзбек давлат филармониясининг халқ чолғу асбоблари оркестри классик ва замонавий темаларда ёзилган асарларни ижро этди.

Н. ИНОҚОВ.

ТОМОША ЗАЛЛАРИНИНГ ҲУСНБУЗАРЛАРИ

Кекирдагини чўзиб
Залда қичқирар беор.
Ҳордиқ чиқарувчилар
Булардан бўлди безор

Савлатидан от ҳуркар,
Усти роса ялтироқ.
Одоб, ҳурмат ва ахлоқ
Бу олифтадан йироқ.
А. Холиқов чизган расмлар.

„УРТЎҚМОҚ" КОМАНДИРОВКАСИ

«Ўртўқмоқ» меҳнаткашларнинг талаб ва илтимосларига кўра орамизда учраб келаётган баъзи юлғичлар, калондимоғ ўтўрахар, ориқсемиз ваъдабозлар, ишлаб иши учун саратонда қўли совуқ қотадиган узун-қисқа боқи беғамлар, хуллас ким халқ ишига тўғаноқ бўлаётган бўлса, ўшалар билан бетма-бет келиб очиқчасига гаплашиб қўйиш ниятида область районларига қараб отланди.

ГАПНИНГ СИРАСИ

Мана «Ўртўқмоқ» Ўрта Чирчиқ районидаги «Тошкент» наслчилик совхозида:

— Ҳой ўғлим, — деди нуроний кекса мўйсафид секин тутиб, — янглишмасам сен «Ўртўқмоқ» эмасмисан.

— Худди шундай отахон.

— Ниятимиз ҳолислигини қара-я. Шу кетишда сенга арз билан шаҳар тушиб кетаётган эдим. Аввало бизни йўқлаб келганинг учун катта раҳмат. Энди гапнинг сирасини сенга айтсам, шу совхоз раҳбарларидек боқи-беғам кишиларни кўрган эмасман. Совхозимиз билан Оҳангарон посёлкасининг ораси узоғи билан 3—4 чақиримча келади. Нимасини айтай. Посёлкага бориб қолгудек бўлсам чиройнга ҳавасим келади. Посёлкадаги ҳар бир хонадонда электр чироғидан тортиб радиосигача мўҳайё. Лекин биз яшаётган совхознинг Нўғойқўрғон, Мунчоқтепа, Янгибино қишлоқларида-чи? На электрдан дарак бор ва на радиодан. Қишлоққа электр ёки радио келтириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Бўлмасам совхоз камқувват хўжалик эмас. Ҳар йили ўзига яраша катта даромад олади. Қишлоқ ва хонадонларни электрлаштириш ва радиолаштиришга совхознинг қуввати етмайдими. Етади. Раҳбарларнинг қўлидан келмайдими? Келади. Ҳамма гап уларнинг беғамлигида.

Энди гапнинг буёғини эшит. «Узбекшахтострой» трестига қарашли 4-қурилиш бошқармаси цемент заводининг заказига биноан Оҳангарон посёлкасида насос станцияси қуриб бериши керак эди. Станциянинг қуруқ савлати қўқайтириб қўйилди. Лекин ўзинг бир ўйлаб кўр. Бир ярим йилдан буён ишламай, қуруқ савлат тўкиб ётган станция кимга керак. Охири нима бўлди. Давлатнинг бир неча минг сўми совурилди, лекин посёлкалардан канализация трубалари орқали келаётган ифлос сувлар ҳали ҳам қишлоқдаги катта ариққа келиб қўшилаяпти. Оҳангарон посёлкаси, Тошкент область санэпидемиология станцияси, заводга штраф солавериб охири чарчади. Сендан илтимос. Завод директори Ўртоқ Петровни бир туртилаб қўймасанг, ҳали бери ундан садо чиқмайдиганга ўхшайди.

«Ўртўқмоқ» чолнинг аччиқ бўлса ҳам ҳаққоний эътирозларини блокнотига ёзиб олди-да, Ирисали илинганини эшитиб, тўғри Оққўрғон районига ўтиб кетди.

ИРИСАЛИ ИЛИНДИ

«Ўртўқмоқ» дарҳақиқат Оққўрғонга келиб қарасаки, одамлар ўртасида ҳар хил миш-миш гаплар. Бири нима дейсан, «Ирисали илинган эмиш» деса, иккинчиси «йўғ-е, оғзингга қараб гапир, шундай учар одам-а» дейди. «Ўртўқмоқ» буларнинг қайси бирига ишонишни билмай бош қашиб турганда, район прокурорининг вақтинча вазифасини бажарувчиси ўртоқ Р. Қодиров келиб қолди.

— Тўғри, илинишга-ку илинди-я. Лекин бу учарни илинтириш осон бўлмади. Ўзиям икки йилдан буён кўзни шамғалат қилиб, чап бериб келарди. Энди тўрни ташлаймиз деб турганимизда «пирр» этади-ю, кўздан ғойиб бўлади. Бўлмасам Солдатский сельпосига қарашли озиқ-овқат магазинида мудир бўлиб ишлаган Ирисали Холиқов молларга ўзича устама нарх қўйиб, харидорлар ҳақига хиёнат қилгани учун 1962 йилда сельпо даргоҳидан қувиб юборилган эди. Ширали дастурхондан пашша аримайди дегандек, у учиб бориб Тошовул қишлоғидаги Крупская номли сельпо магазини тарновига қўнган экан. Буни кўрган сельпонинг вақтинча раиси Ўсар Турдибоев «сўзла жоним қайдин келдинг» деб уни магазин мудирлигига тавсия этди. Учар Ирисали Холиқов Турдибоевнинг соясида торт-тортни чунон авж олдириб юбордики, кўп ўтмай Кетмонтепа қишлоқ Советида данғиллама участка қуриб олди. Ўша йили магазинни ревизия қилиб кўрилганда бор-йўғи тўрт ойда 1.618 сўм пулни ғаққос еб кўйганлиги маълум бўлди. Ирисали мана энди тўрга илинди деганимизда Ўсар Турдибоевдан «Кетмонтепа қишлоқ Советидаги ўз участкасини Крупская Сельсоветига ўтказди», мазмунда қалбаки ҳужжат топшириб, бу ердан ҳам силлиқина қутулиб кетди. У, учиб бориб Алимкент сельпосига қарашли склад томига қўнди. Учар Ирисалининг қадами етган складда бор-йўғи 8.168 сўм камомот чиқди. Йўқ, Ирисали Холиқов бу гал тузоқдан чиқиб кетолмади. У тумшуғидан илинди.

«Ўртўқмоқ» ўртоқ Қодировга бу гал уни қўлдан чиқариб юбормаслик учун эҳтиёт чорасини кўришни топшириб ўзи Янгийўл районига ўтиб кетди.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Янгийўл район Ниёзбоши қишлоқ Советидаги Ленин номли колхоз территориясида яшовчи Йўлчибой Турсунбоев нафси бузуқлиги устига хотинбоз ҳам. Унинг бир эмас иккита хотини бор. Турсунбоев ёғ заводидан колхоз фермалари учун бериладиган кунжараларни эгри қўл ҳамкасабалари ёрдами билан арзон нархда сотиб олиб қиммат баҳода сота бошлайди. Йўлчибой ўтган йил октябрь ойида 100 килограмм кунжарани ҳар килограммини 10 тийиндан сотиб олиб, Эгамбердиев, Турғунбоев, Қўлматов каби колхоз аъзоларига ҳар килограммини 20—25 тийиндан сотаётганида қўлга тушади.

Янгийўл шаҳар прокурори ўртоқ Шодихўжаев «Ўртўқмоқ» номига юборган хатида Турсунбоев қилмишига яраша жазосини тортяпти, деб ёзган. «Ўртўқмоқ» бундан хотиржам бўлиб командировкадан қайтаётганида вокзалда уни икки аёл кутиб олди.

КИМНИНГ АРЗАНДАСИ БУ?

— Сенга арзимиз бор, — деди улардан бири бир қадам олдинга ўтиб.

— Мен айтай овсин, сиз яхши тушунтиролмайсиз, — деди иккинчи аёл.

— Йўқ, мен айтаман, аввало сенга шундай савол берай, бу Раиса Красикова кимнинг арзандаси?

— Тўхтанглар, ўзи нима гап? Красикованинг ўзи ким?

— Бизни сўрасанг ука, икковимиз ҳам Лабзак кўчасидаги 9-ўқув-тажриба тегирмонида ишлаймиз. Бу Красикова деганимиз шу тегирмонда инженер. Гап шуки, Красиковани ўтакетган бюрократ десакмикан, ёки ўзи хон-у, қўланкаси тегирмон ҳовлиси десакмикан. Хуллас бу арзанда инженер келибдики, тегирмон ҳовлисидаги уйда яшаб ҳеч кимни менсимай қўйди. Яшагани ҳам майли-я, уч йилдан буён на квартира ҳақи тўлайди, на чироқ пули. Шу ерда яшаётгани учунми, ҳар икки гапнинг бирида «ҳовли эгаси мен» деб ҳеч кимни менсимай оёқ учида кўрсатадиган бўлиб қолди. У, ҳозир тегирмон ҳовлисига кирса ҳам, чиқса ҳам эшикни тепиб кириб, тепиб чиқади.

Кошки шу думғоларгинга яраша ишни ўрнига қўяётган бўлса. Тегирмон ҳовлиси ҳар хил чиқиндилар тўпланадиган складга ўхшайди. Бундан икки йил бурун пулга олиб келинган 3 минг дона пишиқ ғишт қор-ёмғир остида ётаберибми, хамирга айланиб кетди. Ишонмасанг, бориб ўз кўзинг билан кўришинг ҳам мумкин. Вақтинча фойдаланилмай, ётган асбоб-ускуналар дейсанми, ҳали қўл тегмаган янги матор дейсанми ҳаммаси ўровлида занг босиб ётибди. 1962 йилда аллақайси шаҳардан ҳар бир донасига 117 сўмдан пул тўлаб, тўртта электр двигатель олиб келишган эди. Двигатель «бечора» келгандан буён бир парча тунукани тепасига соябон қилиб, ҳовлида ётди. Буларни кўриб юрагинг ачишар экан. Ахир, бу пуллар Красикованинг ҳамёнидан чиқмайди-ку. Директор Першиков бўлса бир йилда бир марта тегирмонга келса келади, бўлмасам йўқ.

Хўш, Красикова кимнинг арзандаси? Биз биллмай қолдик. Нега уни тартибга чақириб қўйишмайди.

«Ўртўқмоқ» командировкадан қайтиши билан меҳнаткашлар билдирган ана шу эътироз ва мулоҳазаларни бирма-бир қағозга тушириб, кўпчиликка маълум қилиб қўйишга қарор қилди.

«Ўртўқмоқ» топшириғига мувофиқ: А. ШАЙХОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — Каникул кунларида. **«Пахтаой»** номли фильм-эртак (СССР халқ артисти, кинорежиссёр К. Ёрматов ижодининг 40 йиллиги олдидан).

Рус тилида: 14.45 — **Энг ёш композитор** (телевизион фильм), 12.10 — М. Горький асарлари кинода **Она** (бадиий фильм), 17.00 — **Китоб ташувчи мушук** (болалар учун телевизион фильм), 17.30 — **Телевизион янгиликлар**, 17.45 — **Шаҳримиз озода ва гўзал бўлсин**, 17.55 — **Мангуст ороли** (илмий-оммабоп фильм), 18.15 — **Беш савол** (тасвирий санъат бўйича топишмоқ), 18.45 — **Йўлнинг боши** (илмий-оммабоп фильм), 18.55 — **Иккинчи истеъдод** (Тошкент шаҳридаги 1-автокомбинат эстрада ансамблининг концерти), 19.30 — **Реклама ва эълонлар**, 19.35 — **Чет эл кинохроникаси**, 19.45 — **Қўғирчоқлар кулади** (кинокомедия).

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.30 — **Музикали драма ва комедиялардан парчалар.** (Муқимий номли театрдан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Фауст**, 29/III да кундуз **Куба қизи**, кечқурун **Жизель.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да кечқурун **Катта концерт**, 29/III да кундуз **Ҳожи Каримнинг ойга саёҳати**, кечқурун **Жон қизлар.**

КИНО

Улимнинг номи — Энгельхен (1 ва 2-серия) — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да).

Манбет — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Хизмат вақтида — «ВАТАН» (эрталаб соат 11-45 минут ва кундуз 1 яримда). НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ун иккинчи стул — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

Қизил шар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда).

Етти ака-укага етти келин — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

28, 29 мартда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Комуна Исмоилова, Учқун Ғаниев, Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Қувондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Малоҳат Дадабоева, Тўхон Қодирова, Тўхта Рисметова, Назрулла Ёқубов, Зайтуна Тожибоева, Ғулом Тожиаълоев** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 мартда ва 1 апрелда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Сора Шукурова, Тўхта Алихўжаева, Манзура Мўминова** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида

31 мартдан

БОЛАЛАР УЧУН

Кундузги ТОМОШАЛАР

«ЛИЛИПУТЛАР»

МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОНИНИНГ ХАЙРАЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Программада: «Доктор Айболит», «Жонли қўғирчоқ», «Этик кийган Мушук», «Пахтаой» ва цирк санъатининг бошқа номерлари.

Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

6- ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ МАХСУС МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент областида ишлаш учун: **экскаваторчилар, башня кранлари машинистлари, автокранчилар,**

КЕРАК

Ёлғизлар ётоқ билан, оилалилар квартира билан таъминланади.

Ўрта Чирчиқ район. Авангард қишлоғида бошқарманинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (вокзалдан қатнайдиган 17- автобуснинг «РТС» остановкасигача).

Богдан Хмельницкий кўчаси, 50-уйда, 25-квартирада турувчи **Мустафа Насиевнинг** Богдан Хмельницкий кўчаси, 48-уй, 9-квартирада турувчи Зинеп Насиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

ИНДЕКС 64695.
Нашр. № 1721.
Р. 05344.